

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

«Химояга руҳсат»  
кафедра мудири  
Проф. Нишанов А.Х.

“\_” \_\_\_\_\_ 2012 й

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: “**Касалхона ахборот тизимини ишлаб чиқиш**”

Битирувчи	_____	<u>Ахмедов Ф.М.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Раҳбар	_____	<u>Бабамухамедова М.З.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Тақризчи	_____	<u></u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
ХФХ буйича маслаҳатчи	_____	<u></u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)

Тошкент 2012

## МУНДАРИЖА

КИРИШ . . . . .	6
I. ТИББИЁТ СОҲАСИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ . . . . .	8
1.1. Тиббий муассасалар ривожи . . . . .	8
1.2. Тиббиётда фойдаланиладиган ахборот тизимлари. . . . .	16
1.3. Шахсий компьютерлар асосидаги автоматлаштирилган ишчи ўринлари таҳлили.....	19
II. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВОСИТАЛАРИ.....	29
2.1. Масаланинг қўйилиши. . . . .	29
2.2. Delphi дастурлаш мұхити.....	31
2.3. Маълумотлар базасини яратиш. ACCESS.....	37
III. ДАСТУРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ.....	46
3.1. Кириши-чиқиш маълумотлари.....	46
3.2. Дастанни ишлатиш учун аппарат таъминотига қўйиладиган талаблар.....	46
3.3. Тизимдан фойдаланишда хавсизлик параметрларини қўллаш.....	47
3.4. Фойдаланувчига қўлланма. . . . .	48
IV. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	54
4.1. Асосий тушунчалар.....	54
4.2 . Мехнат фаолияти шароитининг классификацияси.....	55
ХУЛОСА . . . . .	67
АДАБИЁТЛАР . . . . .	68
ИЛОВА . . . . .	69

## **Мазмуннома**

Ушбу битирув малакавий ишида шаҳар касалхонасида қўрсатиладиган пуллик хизматлар, нарядлар бўйича ҳисобини бажарувчи ва турли ҳисботларни умумий касалхона бўйича, бўлимлар бўйича, аниқ вақт ва сана бўйича ҳисботларни олиб борувчи ахборот тизими яратилган.

Дастур Дельфи тилида ёзилган бўлиб, маълумотлар базаси MS Access да яратилган.

### **Аннотация**

Данная выпускная квалификационная работа посвящена разработке программного обеспечения информационной системы, системы учета, обработки информации о поступившихся больных в городскую больницу.

С помощью этой системы можно вести учеты об оказанных платных услугах и проводить расчеты по нарядам и подготовить разные отчеты: общие по больнице, по отделениям по времени и т.д..

Программа разработана на языке Дельфи а база данных создана с помощью MS Access.

### **The summary**

The given final qualifying work is devoted to development of the software of system of the account of processing of the information on the renounced patients in city hospital.

It is possible to conduct accounts with the help of this system about the rendered paid services and carries out calculations under orders and will prepare different reports: the general on hospital, on branches on time.

The program is developed in language Delphi and the database is created with help MS Access.

## **КИРИШ**

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий хуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;
- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва худудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;
- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;
- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;
- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;
- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;
- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Ҳозирги вақтда тармоқ технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суроғтлар билан ривожланиши, уларни ҳар хил соҳаларда, шу жумладан медицина соҳасида қўллашга олиб келди. Бу ҳолат замонавий ҳисоблаш техникаси имкониятларидан келиб чиқади. Замонавий ҳисоблаш техникаси, айнан шахсий компьютерлар инсон фаолиятининг турли соҳаларида маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг қулай воситасидир. Шахсий компьютерлар ўлчамлари уларни бевосита фойдаланувчиларининг ишчи ўринларида жойлаштириш имконини берса, шахсий компьютер билан мулоқотнинг содда ва қулайлиги уни дастурчи бўлмаган кўп сонли фойдаланувчилар учун қундалик иш фаолиятида восита сифатида фойдаланиш имконини беради.

Замонавий шахсий компьютерлар катта хажмдаги оператив хотира ва тезликка эга бўлганликлари учун, катта хажмдаги маълумотлар массивлари билан ишлаш имконига эгадирлар, шунинг учун ҳам уларни тиббиёт соҳасида, масалан, тиббий статистика масалаларини ечишда фойдаланиш, қўл меҳнатини қисқартириш, сифатни ошириш, ишончлиликни ошириш ва натижани олиш вақтини қисқартириш имконини беради.

Айнан шу муаммоларни ечишга, битирув ишимиз мавзуси мўлжалланган.

Тиббий корхоналар учун керакли ахборот тизимларининг дастурий таъминотини тайёр холда сотиб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳар бир тиббиёт корхонаси ўзининг хусусиятларига ва ишлаш принципига эга, ва тайёр дастурлар бу корхоналарга мос келмаслиги ва нархи қимматлик қилиши мумкин.

Ушбу ишни бажариш учун қуйидаги масалалар ечилади:

- тиббиётда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимларнинг таҳлили;
- корхона иши технологияси таҳлили;
- кириш ва чиқиш маълумоларини аниқлаш;

- маълумотлар базасини тузилишини ишлаб чиқиши.

## **I. ТИББИЁТ СОҲАСИДА АҲБОРОТ ТИЗИМЛАРИ**

### **1.1. Тиббий муассасалар ривожи**

Ҳар йилнинг Президентимиз томонидан ўзига хос ном билан аталиши ҳамда соҳага оид давлатимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва Қарорлар замирида инсон соглиги, унинг тиббий манфаатлари устувор эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, 2004-2009 йилларда тизим бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сонли, ПФ-3923-сонли Фармонлари ва 9 та Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 15 та қарори қабул қилинди. Айниқса, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорларининг амалдаги ижроси бўйича соҳада муайян ишлар амалга оширилди. Ушбу Қарорнинг асл моҳияти репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, демографик ҳолатни яхшилашга қаратилган бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида марказий Штаб тузилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ҳамда туманларда ҳам ҳудудий штаблар ташкил қилинди. Улар томонидан ҚВПлар йўналишида туғиши ёшидаги аёлларни соғломлаштириш бўйича маълумотлар базаси ташкил этилиб, кундалик мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларга амалий ёрдам кўрсатиш учун 7417 нафар профессор-ўқитувчи ва малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш учун

жойларга сафарбар қилиниб, улар томонидан 838 минг 643 нафардан ортиқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди. Ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигида республикамизда 5 маротаба "Фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги" ўtkазилиб, бирламчи тиббий бўғин ёрдамларига тажрибали мутахассислар томонидан амалий ёрдам берилиб, улар республиканинг 199 та туманидаги 1309 та қишлоқ врачлик пунктида 140 минг 884 нафар туғиши ёшидаги аёллар, 710 минг 583 нафар ўсмир қизларни тиббий кўриқдан ўtkазиб, 212 мингдан ортиқ ультратовуш текширувлари олиб боришидни ва бу борадаги фаолиятлар давом эттириб келинмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Ҳақиқатан ҳам ушбу йўналиш ҳар биримизнинг диққат-эътиборимизда эканлигини инкор этиб бўлмайди. Чунки, соғлом онадан соғлом фарзандларнинг дунёга келиши келажагимиз бардавомлигидан далолат беради. Шундай экан, тизимда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ижобий ишлар амалга оширилиб, фаолиятлар янада такомиллашди, айниқса, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази, Она-бона скрининг маркази, Перинатал марказ ва уларнинг вилоят филиаллари ҳамда туғруқ мажмуналарининг жаҳон андозаларига мос равишда иш олиб бораётганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, муассасаларнинг замон талаблари даражасида жиҳозланиши ҳамда малакали кадрлар билан таъминланиши иш сифати ошишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг грант маблағлари эвазига Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказига замонавий тиббий асбоб-ускуналар берилди. Вазирлик томонидан Германия ҳукумати билан тузилган ҳамкорлик доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг вилоят филиаллари ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти

клиникасини жиҳозлаш мақсадида умумий қиймати 15 млн. еврони ташкил қилган лойиха тайёрланди. Кредит маблағлари ҳисобидан Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши режалаштирилди.

Туғруқ муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2005 йилдан бошлаб, Осиё тараққиёт банки иштирокида "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиха доирасида 2009 йилда Андижон, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё вилоят перинатал марказлари, Самарқанд вилоятида "Она ва бола маркази", Наманган ва Жиззах вилоятларида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази филиаллари ва шу вилоятлардаги жами 87 та туман туғруқ муассасаларида таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу муассасалар учун умумий қиймати 8,9 млн. АҚШ доллари бўлган 48 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуна, 34 турдаги сарф ашёлари харид қилинди ва бу муассасалар қиймати 18 минг АҚШ доллари бўлган наркоз-нафас аппарати билан жиҳозланди. Бундан ташқари, ЕС/ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг "Оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматларни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари 2065 нафар оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар (умумий сони 7 минг 800 нафар, тренерлар эса 600 нафар) "Тиббий хизмат сифатини бошқариш ва яхшилаш", "Самарали перинатал ёрдам", "Кўкрак сути билан боқишини тарғиб этиш", "Чақалоқларни парвариш қилиш асослари", "Болалар ёшидаги касалликларни интеграциялашган тартибда кузатиш", "Болаларнинг ўсиши ва ривожланишини мониторинг қилиш", "Болалар касалликларини стационарда олиб бориш" мавзуларида ўқитилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда тугма нуқсон билан туғилган болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилиши давом этмоқда. 2009 йил давомида 320 нафар болага 23 млн.

534 минг сўм қийматида юз-жағ соҳасида ортопедик операция амалиётлари бажарилди. Ўтган йили Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 16 нафар бемор болалар Германия клиникаларида ўз соғликларини тиклаб қайтишди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти, РШТЁИМнинг Нукус филиали, Тошкент вилояти Ўртачирчик туман болалар шифохонаси, Туркия, Сингапур, Жанубий Корея мутахассислари томонидан кам таъминланган ва "Мехрибонлик уйи"да яшовчи 150 нафардан ортиқ юз-жағ соҳасида туғма нуқсон билан туғилган болаларда хирургик амалиётлари ўтказилди.

Мазкур жараёнлар Баркамол авлод йилида ҳам узлуксиз давом эттирилади ва дастурда белгиланган вазифалар амалга оширилади.

Соҳада кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва илмий изланишларни амалиётга татбиқ этиш борасида муваффақиятларга эришилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, олиб борилаётган фаолиятнинг асосий мезони билимли ва тажрибали ҳамда илмий салоҳиятга эга бўлган мутахassis кадрларга келиб боғланади. Шу боис, тизимда кадрлар ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда илмий йўналишдаги масалаларга катта эътибор қаратилган. Айниқса, амалиётга узлуксиз таълим стандартларининг кириб келиши уларнинг билим ва тажрибаларини, шунингдек, касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бу борада Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедраларида мутахassisликлар бўйича ўқитилмоқда. Бундан ташқари, "Саломатлик-2", "Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш қўшма лойиҳалари" бўйича ҳам умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалар узлуксиз таълим жараёнлари билан танишмоқдалар. Илмий фаолиятларга назар ташлайдиган бўлсак, вазирлик хузуридаги ташкилотларда маҳсус давлат илмий-текшириш дастурлари ишлаб чиқилиб, улар муҳокамадан ўтказилиб, рақобатбардош лойиҳалар танлаб олинган. 2009 йилда 158 та амалий, 17 та фундаментал грант илмий дастурлари, 24 та инновацион иш, 21 та ташкилотлараро йирик лойиҳалар ҳамда 3 нафар ёш олимлар томонидан фундаментал илмий ишлар, шу билан бирга 4 та халқаро илмий грант дастурлари бажарилмоқда.

Кўрсатилган илмий дастурларни бажаришда 7 та тиббиёт олий ўқув юртлари, унинг 2 та филиали билан бирга 27 та илмий-текшириш институт ва илмий-амалий марказлар ҳамда илмий муассасалар иштирок этмоқда. Ўтган йилда олимларимиз томонидан грантлар бўйича 10 та монография, 37 та услубий қўлланма, 583 та илмий мақола, шу жумладан уларнинг 168 таси чет эл журналларида чоп этилган. Таъкидлаш жоизки, ҳар йилги ўтказилаётган инновацион ғоялар ва технологиялар лойиҳалари ярмаркасида вазирликнинг 22 та илмий муассасаси иштирок этиб келмоқда. Илмий муассасалар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муҳим вазифаларга жавоб беради. Уларнинг реализацияси ўлим ҳолатларини камайтиришга, жумладан, болалар ўлими, ОИТС, сил, паразитар ва вирусли касалликларга нисбатан эпидемиологик ҳолатни барқарорлаштиришга, bemorlarning касалхоналарда ётиш муддатларини қисқартиришга, касалликларни даволашга ножӯя таъсирларни камайтиришга олиб келади, шунингдек, ўз навбатида иқтисодий фойда, экологик ва санитар хавфсизликни таъминлаб, аҳоли саломатлигини яхшилайди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, барча ўйналишларда фаолиятларни янада мувофиқлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сонли Қарори билан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқланди ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор ўйналишлар белгиланди. Дастур ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 10 февралдаги 35-сонли буйруғи билан 28 банддан иборат тармоқ дастури, мониторинг ва тарғибот-ташвиқот гуруҳлари тасдиқланди. Режага мувофиқ қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

\* 2010 йилда миллий эмлаш календари асосида болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ва чуқурлаштирилган тиббий кўрикни ўтказишни давом эттириш;

\* соғлиқни сақлаш тизимидағи кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Андижон, Наманган, Жizzах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 8000 нафар педиатр, акушер-гинеколог, неонатолог, умумий амалиёт шифокорлари, ўсмирлар врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимиға замонавий технологияларни татбиқ этиш бўйича ўқитиш;

\* ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўстириш мақсадида унни фортификация қилиш, темир моддалари билан унни бойитиш, тузни йодлаш, темир ва фолат кислотаси, витамин А билан саплементация борасида олиб борилаётган дастурларни давом эттириш. Айниқса, оилада овқатланиш маданиятини ошириш борасида ахборот-тарғибот ишларини кучайтириш;

\* "Саломатлик-2" лойиҳасига асосан 5,18 млн. АҚШ доллари миқдорида 74 та ҚВПни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва 2315 та ҚВПни қайта жиҳозлаш;

\* "Она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида Андижон, Жizzах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги 94 та туғруқ мажмуаси, Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги 6 та қон қуиши марказлари ҳамда вилоят даволаш-профилактика муассасаларидаги қон қуиши бўлимларини тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш;

\* Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил Инвестиция Дастурига асосан жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида баркамол авлодни вояга етказиш ва тарбиялашда муҳим бўлган 22 та соғлиқни сақлаш муассасасида капитал-реконструкция ва қурилиш ишларини амалга ошириш;

\* "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолига, тиббиёт ходимларига етказиш мақсадида семинарлар, ижодий кечалар, давра сұхбатлари, илмий-амалий конференциялар ташкил этилади,

ҳар бир таълим муассасасида гиёхвандликка қарши курашиш халқаро ойлиги, "Биз гиёхвандликка қаршимиз" ёшлар фестивалини ўтказиш.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимини кенг миқёсда қамраб олиш, ривожлантириш нафақат соҳа ходимларига, балки бу жараёнда масъул бўлган кенг жамоатчиликнинг олдига ҳам муҳим вазифаларни юклайди. Тиббиёт тизими даврга ҳамоҳанг тарзда тараққиёт босқичини босиб ўтмоқда. Бу албатта, ўз ўрнида янгилик ва ўзгаришларни тезроқ амалиётга татбиқ этиш, самарали натижаларга эришиш талабини кучайтиради. Шунга мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида олиб борилаётган фаолиятлар мазкур йилимизда мақсадли амалга оширилиб, муайян натижалар кўламини кенгайтиришда хизмат қилади.

### **Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш давр талаби**

Жамият тараққиётининг юксалиши авваламбор, инсоният салоҳиятигининг бардавомлигига боғлиқ экан, бу борада уларнинг саломатлиги нечоғлик заруратлигини қалбан ҳис этган Юртбошимизнинг тиббиёт тизими ва аҳоли соғлигига бўлган эътибор ҳамда ғамхўрликларини эътироф билан тилга олиш жоиздир. Зеро, шундай экан, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тармоғида ҳам тубдан ўзгаришлар бўлиб, бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб келмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотлар жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-2107-сонли Фармони асосида ривожланиб, унинг натижасида республикада соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасининг ошишига ва аҳоли саломатлиги қўрсаткичлари яхшиланишига эришилди. Маълумки, ҳар йили дунё бўйича 7 апрель – Бутунжакон саломатлик куни сифатида нишонланади. Бунда албатта, ҳар бир давлат йиллар давомида соҳада эришилган муваффақиятлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтади. Шундай экан, бу борада Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам ижобий ишлар амалга оширилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланиб борилаётганлиги фаолиятдаги ишларда ўз ифодасини топмоқда.

– эътироф билан таъкидлаш муҳимки, соҳа тараққиёти янада тақомиллашиб, фаолиятнинг янги истиқболлари амалиётга кириб келмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурининг босқичма-босқич амалга ошириб келиниши натижасида режадаги фаолиятлар ўз ифодасини топиб, соҳада муайян ўзгаришлар юзага келмоқда. Бунинг баробарида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси юқори босқичга қўтарилиб, мазкур йўналиш ривожида ҳам ўз таъсир кучини кўрсатиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, тизимни ислоҳ қилиш натижасида мустақиллик йилларидан бери умр давомийлиги 67 ёшдан 72,5 ёшгача ошди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида оналар ўлими 1,2 баробар, болалар ўлими эса 1,3 баробарга камайди. Биргина ўтган йилга назар ташлайдиган бўлсак, республикамизда 4201 та амбулатор поликлиника муассасаси, шу жумладан, 3165 та қишлоқ врачлик пункти фаолият олиб бормоқда. Уларга қатновлар сони охирги беш йилда 25,5 фоизга ошиб, жумладан аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 28 фоизга кўпайди. Стационар даволаш муассасалари шифо ўрин фондидан самарали фойдаланиш мақсадида кам қувватли ва норентабель шифохоналар қисқарди. Яъни уларнинг сони 1 минг 151 тадан 783 тага қадар, ўринлар сони ҳам шунга мутаносиб равишда 148 минг 361 тадан 126 минг 994 тага камайди.

Инсонлар соғлиги ва уларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги асосий ўрин тутиши барчамизга маълум. Шундай экан, олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида меъёрий-хукуқий негизларни тақомиллаштириш мақсадида бешта ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида", "ОИТС касаллиги профилактикаси тўғрисида", "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида", "Алкоголизм, наркомания ёки токсикоманияга чалинган bemорларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги

Қонунларига ўзгартышлар киритилди. Шу билан бирга 7 та янги "Одам иммунотанқислиги вируси орқали юзага келувчи касаллик профилактикаси тўғрисида", "Гиёхванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида", "Фуқароларга психиатрия ёрдами қўрсатиш тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Бола хуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари кучга кирди.

## **1.2. Тиббиётда фойдаланиладиган ахборот тизимлари.**

Инсонлар саломатлигини таъминлаш доимий равища маълумотларни йиғиш ва сақлашни талаб қиласди.

Маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш ва уларни узатиш, тизимларини яратиш ва ишлаши учун кетадиган харажатлар бюджет харажатларини анчайин қисмини ташкил этади. Бу харажатларни камайтириш, маълумотларга ишлов бериш ва уларни акс эттириш, ва шу билан бирга даволаш масканлари самарадорлигини ошириш учун турли тиббий ахборот тизимлари ишлаб чиқилади ва тадқиқ қилинади [4,8].

Ҳамма тиббий ахборот тизимлари учун, бошқариш ва тиббий ечимларни қабул қилишни таъминловчи маълумотларни доимий равища йиғиш зерикарли ва қийин жараёндир. Умуман, тиббий ахборот тизимлари қуидаги синфларга ажратилади: амбулатория ахборот тизимлари; стационар ахборот тизимлари; аҳоли саломатлигини таъминловчи ахборот тизимлари.

Амбулатория ахборот тизимлари bemorlarning врачларга ташрифи, қўйилган ташхис, қўрсатилган хизматлар ҳақида маълумотларни йиғишни таъминлайди. Бу маълумотлар қайта ташрифларда, ишларни режалаштиришда ва bemorlarга ҳисоб китоб қилишда фойдаланилади.

## **Тиббиёт масканларида ахборот тизимларини яратиш**

Кенг омманинг соғлигини таъминлаш асосий масалаларидан бири, тиббиёт масканига тегишли турли маълумотларни доимий равиша йиғиш, сақлаш ва уларга ишлов беришдир. Бундай тизимларни яратиш, маълумотларни йиғиш, ва уларга ишлов берувчи тизимларни ишлатиш тиббий масканлар бюджетини салмоқли қисмини ташкил этади. Улардан самарали фойдаланиш эса, маълумотлар оқими ошган сари муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу харажатларни камайтириш, маълумотларга ишлов бериш ва тасвирилашни мукаммалаштириш, тиббий даволаш корхоналари фаолиятини самарасини ошириш учун ҳар хил тиббий ахборот тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва қўлланилмоқда.

Тиббий ахборот тизимларига мансуб бўлган хусусиятлар: катта хажмдаги маълумотлар тўпламлари, ва улардан маъмурий ва тиббий ечимларни қабул қилиш учун фойдаланилади.

Тиббий ахборот тизимларини турли синфларга ажратиш мумкин бу даволаш амбулаториялари тиббий ахборот тизимлари, тиббий масканлар тиббий ахборот тизимлари, аҳоли соғлигини суғурта тиббий ахборот тизимлари ва х.к.лар.

Амбулатория тиббий ахборот тизимлари, беморларнинг шифокорларга ҳар бир ташрифи, ташхис қўйиш, кўрсатилган тиббий хизматлар ва белгиланган муолажалар тўғрисидаги маълумотларни йиғишга мўлжалланган. Бу маълумотлардан шифокорга, қайта ташрифларни режалаштиришда, bemorga ҳисоб-китоб варақасини ёзишда фойдаланилади.

Тиббий масканлар тиббий ахборот тизимлари, беморларни масканларга жойлаштириш, даволаниш вақти, ташхисларни аниқлаш, масканлардан чиқища бемор аҳволи ва bemorga кўрсатиладиган муолажалар ва уларнинг нархлари ҳақида маълумотлар йиғишга мўлжалланган. Бу маълумотлар, bemorlarни қайта даволашга жойлаштирилиши вақтида, тиббий маскан

бўлимлари ва шифокорлар ишини режалаштиришда ва беморлар билан ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда фойдаланилади.

Аҳоли соғлигини сұғурта-тиббий ахборот тизими, сұғурта корхоналари бюджетидан түланадиган (қопланадиган) ҳамма тиббий хизматлар ҳақидаги маълумотларни йигади ва даволаш корхоналари билан ҳисоб-китоб қиласди.

Миллий тиббий-ахборот тизимлари эса, ҳамма тиббий корхоналар фаолияти ҳақидаги маълумотларни йигади ва соғликни саклашнинг миллий секторини бошқариш учун, бу маълумотларни умумлаштиради.

Хозирги вақтда, Республикаизда бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан, турли хусусий, хўжалик ҳисобида ишлайдиган ва ихтисослашган тиббий даволаш корхоналари сони кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида рақобат кучайишиги олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бундай тиббий корхоналар ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот олиш ва тиббий маскан хизматлари ҳақида маълумот олиш ва тиббий маскан ускуналари ва бошқа маълумотларни ҳисобга олиш учун ҳозирги вақтда тиббий-ахборот тизимларини яратишида янгича ёндашиш ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет технологиялари ва веб технологияларидан кенг фойдаланиш зарурдир.

Бунга қўшимча равишида шуни айтиб қўйиш лозимки ҳозирги вақтда тиббиёт масканларида кўрсатиладиган хизматлар бозор иқтисодиётидан келиб чиқсан ҳолда икки турдадир: 1)бепул хизмат ва 2) пуллик хизматлардир.[5-6]

Бепул хизмат кўрсатиш бўйича ахборот тизими неча йиллар давомида яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда ортиқча муаммолар мавжуд эмас.

Пуллик хизмат кўрсатиш бўйича бўлимларда беморларга кўрсатилган хизматлар: анализ, турли муаммолар операциялар, турли асбоб-ускуналар ёрдамида кўрстаилган хизматлар (узи, рентген, кардиограмма олиш, асбоблар ёрдамида турли муолажалар), ишлатилган дори дармонлар, овқатланиш тўловлари ва х.к.лар ҳаммаси ҳисобга олиниши керак. Бу ҳисоб-китоблар

алоҳида олиб борилганлиги учун, (бухгалтерияда бу хисоб-китоблар алоҳида ҳисобланади) бу категориядаги хисоб-китоблар учун алоҳида ахборот тизими яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу бўлимда тиббиётда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, уларни яратиш усуллари ва йўллари, уларни қўлланилиш алгоритмлари тахлил қилиниб ўрганилди

### **1.3. Шахсий компьютерлар асосидаги автоматлаштирилган ишчи ўринлари тахлили**

АИЎ, ёки чет эл терминалогиясидаги “ишчи станция” (workstation), у ёки бу касб мутахассисининг фойдаланувчининг бажарадиган маълум функцияларини автоматлаштириш учун зарур бўлган воситалари билан жиҳозланган ўрнидан иборатdir. Коида бўйича, бундай восита зарурият бўйича, бошқа ёрдамчи қўшимча электрон қурилмалар билан, яъни диск жамламалари, босмага чиқариш қурилмалари, графика қурималари, бошқа АИЎ билан боғланиш воситалари ва локал ҳисоблаш тармоқлари ва ҳ.к.лар билан тўлдирилувчи воситалардир.

Дунёда энг кўп тарқалган АИЎ IBM PC архитектурали шахсий компьютерлар асосида яратилгандир.

АИЎ асосан, ҳисоблаш техникаси бўйича маҳсус тайёргарликка эга бўлмаган фойдаланувчига мўлжаллангандир, АИЎ нинг асосий вазифаси ишчи ўринларида, маълумотларга тарқатилган ҳолда ишлов бериш, АИЎ локал тармоқлари ва ШК га бир вақтнинг ўзида кириш имконида, мос равища “ўзининг” маълумотлар базасидан фойдаланиш, ва баъзида эса катта қувватга эга бўлган ЭҲМ ларни ўз ичига олган глобал ҳисоблаш тармоқлари билан улнишда ҳам “ўз” МБ дан фойдаланишдан иборатdir.

Хозирги вақтда, жуда кўп корхоналарда бошқаришнинг тақсимланган концепцияси амалга оширилади, уларда, иерархиянинг ҳар хил сатҳларида маълумотларга, локал, етарли даражада тўлиқ ва кўпинча тугалланган ишлов

бериш назарда тутилади. Бу тизимларда, маълумотларнинг фақатгина, юқори сатҳларида эхтиёжига эга бўлган қисмигина юқорига узатилади. Бунда, маълумотларнинг ишлов беришган натижаларининг катта қисми ва бошланғич катталиклар локал маълумотлар базаларида сақланади.

Тақсимланган бошқариш гоясини амалга ошириш учун, бошқаришнинг ҳар бир сатҳи ва ҳар бир предмет соҳаси учун шахсий компьютерлар асосида АИЎ ни яратиш талаб қилинди. М-н, иқтисодиёт соҳасида, бундай АИЎ да режалаштириш, моделлаштириш, жараёнларни оптималлаштириш, ҳар хил ахборот тизимларида масалани ҳар хил ҳолатларида ечим қабул қилиш ишларини бажариш мумкин. Ҳар бир бошқариш обьекти учун, унинг вазифасига қараб, мос АИЎ ни назарда тутиш керак. Аммо “ихтиёрий АИЎ ни яратиш принциплари умумий бўлиши керак”, яъни:

- тизимлилик;
- мосланувчанлик;
- қатъийлик;
- самаралилик.

Бу тушунчаларни ҳаммасини кўриб чиқамиз.

**Тизимлилик.** АИЎ нинг тузилиши функционал вазифасидан келиб чиқади.

**Мосланувчанлик.** Тизим модуллилик принципи асосида қурилган бўлгани учун, унинг элементлари стандартлашган бўлгани учун, ҳар хил ўзгартиришларга мослашган бўлиши керак.

**Қатъийлик.** АИЎ тизими, унга ички ва ташқи таъсирлардан қатъий назар, ўзининг асосий функцияларини бажариши лозим. Бу дегани, унинг алоҳида қисмларидағи бузилишларга қарамасдан, уларни тузатиш осон ва тизим ишловчанлиги тез тикланадиган бўлиши зарур.

**Самарадорлик.** АИЎ нинг яратилиши бу принципи, тизимни яратиш ва эксплуотация қилиш харажатларига тегишли бўлган, юқорида келтирилган принципларининг интеграллашган кўрсаткичидир.

АИҮ да фойдаланишда, агар функция ва юкламаларни инсон ва маълумотларга ишлов бериш воситалари (бунда компьютер тизим ядроси ҳисобланади) орасида тўғри тақсимланган ҳолдагина, яхши самара беради.

Хозирги вақтда бундай “гибрид” интеллект яратиш муаммодир. Аммо, АИҮ ишлаб чиқишида ва ишлатишида бундай ёндошиш амалга оширилганда, юқори натижаларга эришиш мумкин, чунки бундай ҳолда, АИҮ нафақат меҳнат унумдорлигини ошириш ва самарали бошқариш воситаси, балки мутахассисларнинг ижтимоий қулайлигини воситаси сифатида чиқади. Бу ҳолда, инсон АИҮ тизимида бош звено сифатида қолиши керак.

Ишлаб чиқариш корхоналарида АИҮ лари, автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг муҳим ташкил этувчи қисми- яъни режалаштириш, бошқариш, маълумотларга ишлов бериш ва ечим қабул қилиш шахсий воситасидир.

АИҮ – бу ҳар доим маҳсуслаштирилган тизим бўлиб, аниқ мутахассисга: маъмурият, иқтисодчи, мухандис, конструктор, лойиҳачи, архитектор, дизайнер, шифокор, ташкилотчи, тадқиқотчи, ва х.к., мўлжалланган, дастурий таъминот ва техник воситалар мажмуасидан иборатdir.

Шу билан бир вақтда, ихтиёрий касб АИҮ га, уни яратишида таъминланиши керак бўлган қатор талабларни келтириш мумкин:

- маълумотларни қайта ишлаш воситалари мавжудлиги;
- диалог (интерактив) режимида ишлаш имконияти мавжудлиги;
- эргономика асосий талабларини бажарилиши: функцияларни оператор, АИҮ комплекслари ва аторф-муҳим ўртасида рационал тақсимлаш, қулай иш шароитини яратиш, АИҮ тузилиши, қулайлиги, инсон-оператор психологик факторларини ҳисобга олиш, АИҮ формаси ва ранглари ёқимли ва уйғунлиги (дизайн) ва х.к.;
- АИҮ тизимларидаги ишловчи ШК нинг етарли даражадаги юқори унумдорлиги ва ишончлилиги;

- ечиладиган масалалар харakterига адекват (мос) бўлган дастурий таъминот;
- қийин, зерикарли жараёнларни максимал даражада автоматлаштириш;
- мутахассисларга, АИЎ операторлари сифатида ўз-ўзига хизмат қилишда оптимал шароитлар яратиш;
- ва мутахассисларнинг АИЎ дан фойдаланишдаги максимал қулайлик ва мамнунликни таъминлайдиган бошқа факторлар.

АИЎ ўз ичига -техник, ахборот, дастурий ва ташкилий тизимларни олади.

Техник тизимлар тўғрисида гапириб ўтдиқ, юқорида кўрсатилган техник воситалар мажмуасидан ташқари (АИЎ ни бевосита ташкил этувчилари), тармоғида ишлайдиган бошқа АИЎ билан боғланиш воситаларини ҳам кўшиш мумкин. (телефон, телекс, телефонакс).

Ахборот тизимиға локал маълумотлар базасида сақланувчи маълумотлар массиви ва маълумотлар базаларини бошқарув тизимлари ҳам киради.

Дастурий таъминот эса ўз ичига операцион тизимлар, хизматчи дастур, фойдаланувчилар стандарт дастурлари, АИЎ вазифасига қараб аниқ синфга мансуб масалаларни ечишга мўлжалланган ва модуллилик принципи асосида бажарилган амалий дастурлар пакетини ўз ичига олади. Зарурият туғилиб қолса, дастурий таъминотга, график маълумотлар билан ишлайдиган дастурлар пакети киритилади.

АИЎ нинг ташкилий таъминоти мақсади, уни ишлаш, ривожланиши, кадрлар тайёрлаш ва администрлашдир. Кейингисига (администрлашга): ишларни режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат, тартибга солиш АИЎ ни фойдаланувчилари хуқуқ ва мажбуриятларини хужжатлаштириш киради.

АИЎ нинг тил воситалари фойдаланувчи нуқтаи назаридан услубий воситаларни амалга оширишдан иборат бўлса, дастурий воситалар эса тил

воситаларини амалга оширади ва фойдаланувчига ҳамма керакли амалларни бажариш имконини беради.

### **АИҮ нинг тил воситалари**

АИҮ тил воситалари энг авваламбор фойдаланувчи ҳаракатларига ШК рекциясининг мазмун жиҳатдан мослиги учун зарурдир, уларсиз ўқитиш жараёни, диалогни ташкил этиш, хатоларни топиш ва тузатиш мураккаблиги шундаки, улар асосан процедурали бўлмаслиги керак.

АИҮ тиллари ҳам фойдаланувчига мўлжалланган, ҳам касбга мўлжалланган бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида, фойдаланувчилар синфлари орасидаги фарқларга ҳам боғлиқдир, чунки улар нафақат эгаллаган мансаблари, касблари, билиш даражаси ва х.к.лар билан ҳам фарқ қиласди.

АИҮ ни лойиҳалаштириш вақтида, АИҮ терминлари асосларини синфларга ажратиш, яъни тилнинг синтаксис тузилишларини терминлар орасидаги семантик муносабатларини аниқлашга олиб келади. Шу муносабат билан, АИҮ ни синфларга оддий ажратиш зарурияти келиб чиқади. Яъни, масалан, маълумотларни баъзи ишлов берувчи фойдаланувчи режимларида тасвиrlаш имкониятлари бўйича: сонли, матнли ва аралаш. Мураккаб ҳолатларда, АИҮ ни синфлаштириш, маълумотлар базасини ташкил этиш билан аниқланади. Тил имкониятилари кўпинча фойдаланувчи формал конструкциялар қуриш учун ишлатадиган қоидалар рўйҳатини ҳам белгилайди. М-н, баъзи АИҮ да ҳамма маълумот ва конструкциялар жадвал кўринишида белгиланади ёки маҳсус кўринишлардаги операторлар кўринишида белгиланади, яъни мос равишда жадвалли АИҮ ва функционал АИҮ.

Фойдаланувчи тиллари АИҮ ини диалог қўриниши билан ҳам синфларга ажратади. Диалог қўллаш воситалари тил конструкциясини белгилайди.

Битта АИҮ конструкцияси доирасида битта эмас, балки бир нечта диалог типлари, фойдаланувчи фаоллиги ошиб боришига боғлиқ равища кўзда тутилиши мумкин.

Диалог типларига қараб, АИҮ ҳам синфларга ажратилиши мумкин. Энг кўп тарқалган дилог типларидан бири, бу меню типидаги диалогдир. Фиксиранган кадрли диалогда ШК жавоблар рўйхатидан жавобни танлайди.

Агар АИҮ га уларни амалга оширувчи дастур воситалари нуктаи-назаридан қарайдиган бўлсак, уларнинг синфлари турли хил бўлиши мумкин. Улар дастурлаш тиллари бўйича синфларга ажратилиши мумкин.

АИҮ таркибига ҳар хил дастурий компоненталар, яъни асосий ҳисоб функцияларни таъминловчи ва диалогни ташкил этувчи, шу билан бирга маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, транслятор, маълумот тизимлари, маълумотлар базаси, диалог сценарийлари, бошқариш параметрларини ўз ичига олади.

АИҮ доирасида қўлланиладиган, АИҮ ини фойдаланувчи ривожланишни таъминловчи воситаларига нисбатан АИҮ ини икки катта синфга бўламиз: хизмат қилувчи ва интеллектуал. Униси ҳам, буниси ҳам хар турли фойдаланувчиларга мўлжаллангандир. Шу билан бирга, шундай фойдаланувчилар ҳам борки, улар у ёки бу АИҮ ининг фойдаланувчилари бўла олмайдилар. М-н., хизмат қилувчи ходимлар (иш юритувчилар, секретарлар) ўзлари бажарадиган ишлари хусусиятларига асосан, улар интеллектуал АИҮ га муҳтоҷ эмаслар.

Хизмат қилувчи АИҮ ташкилий бошқариш соҳаларида:

- ахборот маълумотли;
- ҳисоблаш;
- матн қайта ишловчи бўлиши мумкин.

Интеллектал АИҮ ларини, авваламбор маълумотларга ва билимга мўлжалланган (даталогик ва фактологик) ларга бўлиниши мумкин.

Ҳисоблаш АИҮ ўз мазмунига кўра, кўп категорияли фойдаланувчилар томонидан қўлланилиши мумкин. Улар ёдамида, бир-бирига боғлиқ бўлган

ва бўлмаган, ташкилий-иқтисодий масалалар қўйилиши ва ечилиши мумкин ва АИЎ ишлаш жараёнида аниқланадиган ёки олидндан аниқланган маълумотларни қидириш ва уларга ишлов бериш мумкин. Матн билан ишлайдиган АИЎ ҳар турдаги матнли маълумотларга ишлов бериш ва генерация қилишга мўлжалланган, бунда матн семантик жиҳатдан тахлил қилинмайди.

Интеллектуал АИЎ (даталогик типдаги) фойдаланувчиларнинг тиллари ва МБ дан кенг фойдаланишга мўлжаллангандир. Бунда фойдаланувчи мустақил равишда МБ ни ва тилни ўзгартириши, ва диалог имкониятлари турил тарзда фойдаланишлари мумкин.

Бундай АИЎ да, билимлар базаси йўқдир, бошқарилувчи обьект у ёки бу хоссасини тушунтиришни таъминловчи қоидаларни тўплаш мумкин эмас. Билимлар базаси, таркибий қисм сифатида фактологик типдаги АИЎ га киради. Факталогик АИЎ лари, асосан улар ёрдамида олиб бориладиган иш ёиғилган таждриба ва улар асосида чиқариладиган мантиқий хulosага асосланади.

Автоматлаштирилган ташкилий бошқарув доирасида амалга ошириладиган бир нечта асосий функцияларни ажратамиз:

- интерпретация (предмет соҳаси факт ва маълумотларни тахлил ва тавсиф қилиш, яъни улар орасидаги ва тизим орасидаги боғланишни ўрнатиш учун);
- диагностика (бошқарувчи обьект ҳолатини тавсифлаш, қидириш ва аниқлаш);
- мониторинг (АИЎ нинг ишлашини узлуксиз кузатиш ва олинган натижаларни фиксирулаш);
- режалаштириш (харакатларнинг белгиланган кетма-кетлигини таъминлаш);
- лойихалаш (фойдаланувчи интерфейсини ва ривожланишини таъминлаш).

## **АИҮ ни синфларга ажратиш**

АИҮ лари индивидуал, гурухли ва жамоали бўлиши мумкин. Гурухли ва жамоали АИҮ га нисбатан ШК нинг самарали ишлаши мақсадида, мутахассислар (жамоа), АИҮ и ишини ташкил этишга талабни қатъий қўйиш ва бундай тизимда администрлашни аниқ белгилаш зарур.

АИҮ тизими, “инсон-машина” тизими бўлганлиги учун, очик бўлиши, мосланувчан бўлиши ва доимий ривожланишга ва мукаммаллашишга мўлжалланган бўлиши керак. Бундай тизимда қуидагилар таъминланиши зарур:

- мутахассисларни, маълумотларга ишлов берувчи машина воситаларига максимал яқинлаштириш;
- диалог режимида ишлаш;
- АИҮ ни эргономик талабларига мос равища жиҳозлаш;
- компьютернинг юқори даражада унумдорлиги;
- қийин ва машаққатли жараёнларни максимал равища автоматлаштириш; меҳнат шароитларидан маънавий қониқиши хосил қилиш; мутахассисларнинг ижодий фаоллигини оширувчи шароит яратилиши.

АИҮ ечадиган масалаларни шартли равища ахборот ва ҳисоблаш масалаларига бўламиз.

Ахборот масалалари, бу кодлаштириш, синфлаштириш, йиғиши, структурали ташкил этиш, корректировка, сақлаш, маълумотни қидириш ва чиқариш. Кўпинча ахборот масалалари ўз ичига, мураккаб бўлмаган арифметик ва текст характеристига эга бўлган мантиқий процедура ва мураккаб бўлмаган ҳисоблашларни ўз ичига олади, шу билан бирга муносабатларни (боғланишларни) ҳам ўз ичига олади. Ахборот масалалари, қоида бўйича, энг мураккаб ва мутахассисларнинг иш вақтларини катта қисмини ўз ичига олади.

Ҳисоблаш масалалари –формаллаштирилладиган ва тўлиқ формаллаштирилмайдиган бўлади.

Формаллаштириладиган масалалар, формал алгоритмлар ёрдамида ечилади ва икки гурухга бўлинади: тўғри ҳисоб билан ечиладиган ва математик моделлар ёрдамида ечиладиган масалалар. Тўғри ҳисоб билан ечиладиган масалалар оддий алгоритмлар ёрдамида ечилади. Мураккаб бўлган масалалар учун турли математик моделлардан фойдаланилади.

Кейинги вақтда, тўлиқ формаллаштирилмайдиган, семантик деб аталувчи масалаларга катта эътибор берилмоқда. Бундай масалалар кўпинча иқтисодий обьектларни оператив тарзда бошқариш вақтида, айниқса маълумот тўлиқ бўлмаган ҳолда ечим қабул қилишда юзага келади. АИЎ тузилиши – бу унинг тизимлари ва элементлари йифиндисидир. Таъминловчи тизимларга биринчи навбатда: техник, ахборот, дастурӣ ва ташкилий тизимларни мисол қилиш мумкин.

Техник таъминот –бу техник воситалар комплексидир, унинг асоси шахсий компьютердир, унда мутахассис воситачиларсиз ўзи ишлайди. Гуруҳ АИЎ да, бундай компьютерлардан 4-6 та одам фойдаланиши мумкин. Бундай ШК таркибига процессор, дисплей, клавиатура, маълумот жамғармалари, босмадан чиқариш қурималари ва графопостроителлар киради.

Техник воситалар комплексига тармоқдаги турли АИЎ ни боғлаш учун коммуникация воситалари киради.

Ахборот таъминоти-бу локал маълумотлар базасида сақланадиган маълумотлар асосан, магнит дискларида ташкил қилинади ва сақланади. Уларни маълумотлар базасини бошқариш тизимлари ёрдамида дастур ёрдамида бошқарилади. Бу дастур, маълумотларни ёзади, қидиради, ўқийди, тузатади ва ахборот масалаларини ечади. АИЎда бир нечта база бўлиши мумкин.

Ташкилий таъминот, АИЎ ни ривожлантириш, мукаммаллаштириш, ва ишлашини ташкил этиш методлари ва воситаларини ўз ичига олади.

Гурухли ва жамоа АИЎ да, ташкилий таъминот тизимига АИЎ администрлаш функциялари киради: лойиҳалаш, режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат, тахлил, тартиблаш, тизимлар билан боғланиш ва х.к.

Ташкилий таъминот, АИЎ фойдаланувчилари хукуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ва хужжатларини тузишни ўз ичига олади.

Дастурий таъминот: тизимли дастурий таъминот ва амалий дастурий таъминотни ўз ичига олади. Тизимли дастурий таъминот асосини операцион тизим ва дастурлаш тизими ташкил этади.

Тизимли дастурлар, маълумотларга ишлов беришнинг рационал технологиясини таъминлайди. Сервис дастурлари деб аталувчи дастурлар, улар зарурият.

## **II. ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВОСИТАЛАРИ**

### **2.1. Масаланинг қўйилиши**

Ушбу битирув-малакавий ишини бажаришдан мақсад, шаҳар касалхонаси учун пуллик тиббий хизматлар хисоби, хўжалик хисобидаги ва хусусий тиббий корхоналар учун тиббий хизматлар ҳисобини олиб бориш ва хисоботлар тайёрлаш учун бухгалтерия бўлими учун ахборот тизимини яратишидир.

Бунинг учун ҳар бўлимдан келадиган нарядлар бўйича ҳар bemor учун хисоб-шартнома тузишдир.

Ҳар бир bemor учун тузилган наряд ўз ичига қуидаги маълумотларни олади:

- bemor Ф.И.О
- касаллиги коди
- уй адреси
- кўрсатилган хизматлар
- сони
- баҳоси
- сумма
- изоҳ.

Хисоб-китоблар ҳақида белгилар:

- олинган нарсалар
- сана
- хужжат тартиб-рақами
- сумма
- хисобга оловчи тиббий хисобчи врач Ф.И.О

Хисоб шартномаси ўз ичига қуидаги маълумотларни олади:

- хисоб-шартнома номери
- bemor Ф.И.О.

- сана
- шифокор Ф.И.О.
- ташхис
- түлов миқдори
  - даволаш учун
  - операция учун
  - овқат учун
  - текшириш учун
  - дори дармон воситалари учун, нималар қилинган
- сони миқдори
- нарҳи
- умумий нарҳи жаъми

Бу масалани ечишда қуйидаги меёрий маълумотлар (нормативно-справочная информация) ишлатилади, яъни турли прейскурантлардан фойдаланилади:

- бир марталик нейрофизиологик текширишлар нарҳи;
- жарроҳлик аралашуви нарҳи;
- бир марталик кўрсатилган лаборатория текшируви нарҳи;
- бир марталик тиббий маслаҳатлар нарҳи;
- жарроҳлик операциялари нарҳи;
- бир марталик ультратовшли текшируви нарҳи;
- бир марталик физиотерапик даволаш нарҳи;
- стоматологик операциялар нарҳи;
- бир марталик рентген тешириви нарҳи;
- бир марталик ЭКГ текшируви нарҳи;
- эндоскопия текшируви нарҳи;
- травмотологик операциялар нарҳи;

Бир кунлик ўрин баҳоси (койка-день) ҳисоби ўз ичига қуйидагиларни олади.

- бўлим номи;

- хизматлар таннархى;
- турли түловлар;
- иш хажми;
- ҳамма харажатлар;
- турли солиқлар;
- ва ҳ.к.ларни олади.

Яратылған ахборот тизими ёрдамида ҳар бир бемор учун хисобшартномаси тузиш, бўлимлар учун ҳисоботлар, кўрсатилған хизматлар учун ҳисоботлар, касалхона бўйича турли ҳисоботлар тузиш имкони яратиш зарур.

## **2.2. Delphi дастурлаш муҳити**

Delphi дастурлаш муҳити (IDE – Integrated Development Environment) – бу юкори даражадаги ва турли хилдаги дастурий таъминот яратиш муҳитидир.


Delphi 3 турда ишлаб чиқарилади: Enterprise, Professional, Personal.

Delphi ўз навбатида кўп ойнали дастурлаш муҳитидир. У бир қанча ойналардан ташкил топган:[5,6]


- Асосий




- Объектлар дараҳти (Object Tree View)



- Объект инспектори (Object Inspector)



- Форма конструктори



- Код мухаррири

```

Unit1.pas
Unit1 | 
unit Unit1;

interface

uses
  Windows, Messages, SysUtils, Variants, Classes, Graphics, Controls, Forms,
  Dialogs;

type
  TForm1 = class(TForm)
    Panel1: TPanel;
    ComboBox1: TComboBox;
    ListBox1: TListBox;
    Button1: TButton;
  private
    { Private declarations }
  public
    { Public declarations }
  end;

var
  Form1: TForm1;

```

Delphi нинг имкониятларидан бири бу унинг объектлар панелидир. Бу панелда дастурловчи Delphi да мавжуд барча стандарт объектлардан фойдаланиш имкониятига эга. Булар:

- Standard – стандарт
- Additional – қўшимча
- Win32 – 32-разрядли Windows дастурлари
- System – система билан алоқа
- Data access – маълумотлар базаси билан алоқа
- Data controls – МБ маълумотлари билан ишлаш
- dbExpress – SQL-серверлви билан алоқа
- DataSnap – кўп сатҳли МБ лар яратиш
- BDE – BDE орқали МБга боғланиш
- ADO – МБга ActiveX объектлари орқали боғланиш
- Interbase - МБга Interbase объектлари орқали боғланиш
- SOAP – SOAP технологияси асосида дастур яратиш
- InternetExpress – клиент-сервер МБсини яратиш
- Internet – Internet учун Web-сервер саҳифаларини яратиш
- FastNet – Internet билан алоқада протоколлар билан таъминлаш
- Decision Cube – кўп сатҳли анализ
- Dialogs – стандарт диалогларни яратиш
- Win 3.1 – Windows 3.1 интерфейси
- ActiveX – ActiveX компоненталари
- COM+ - COM+ объектларини бошқариш
- WebSnap – веб-сервер саҳифаларини яратиш
- Servers – COM серверлари учун VCL элементлари ва бошқалар.

Delphi IDEда проект бир қанча файллардан ташкил топган бўлади:

- Проект коди (.DPR)
- Форма тузилиши (.DFM)

- Форма модули (.PAS)
- Модуллар (.PAS)
- Проект параметрлари (.DOF)
- Ресурслар ҳақида маълумотлар (.RES)

Delphi мухитида кўплаб компоненталар мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси ҳам турличадир. Қўйилган масалани ҳал қилиш учун зарур бўладиган компоненталарни тўғри танлаб олиш жуда муҳимдир. Қўйилган масалани ҳал қилишда қўйидаги компоненталардан фойдаланилди:

- GroupBox – соҳаларни ажратиш учун хизмат қилади.
- Button – бирор жараённи амалга оширишда босиладиган тугма.
- BitBtn – маҳсус вазифали тугма.
- Label – бирор маълумотни экранга чиқариш учун хизмат қилади.
- RichEdit - маълумотлар тўпламини экранга чиқарувчи маҳсус ойна (Memo дан имконияти кўпроқ).
- MainMenu – юқори асосий менюни яратишда қўлланилади.
- Edit – маълумот киритиш учун қўлланилади.
- Bevel – хошияларни безашда қўлланилади.
- RadioButton – фақат биттасини танлаш имкониятини берувчи компонента.
- RadioGroup – RadioButton компоненталарини гурухлаб оловчи компонента.
- CheckBox – белгилаш имкониятини берувчи компонента.
- ListBox – маълумотларни менюли чиқариш учун хизмат қилади.
- PopupMenu – сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда чиқадиган меню.
- StatusBar – ҳолат сатрларини намойиш этишда қўлланилади.
- Timer – вақт орқали ишлашда қўлланилади.

Дастур формасида юқоридаги компоненталарнинг хар биридан бир нечтадан бўлиши мумкин. Хар бири учун ўз вазифасига қўра қисм дастур яратилади.

Қисм дастурлар ўз навбатида операторлар, яъни буйруқлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Қуйида Delphi муҳитида қўлланиладиган асосий операторлар билан танишамиз.

- Бошлиш оператори

*Begin*

- Тамомлаш оператори

*End*

- Шартлар

*if S then S1 else S2;*

бу ерда S-мантиқий ифода;

S1-S матиқий ифода рост қиймат қабул қилганда ишловчи оператор.

S2-S матиқий ифода ёлгон қиймат қабул қилганда ишловчи оператор.

- Параметрли тақрорлаш оператори (For).

Операторни қўйидаги кўринишдаги ҳоли амалда кўпроқ ишлатилади:

*for k:= k1 to k2 do S;*

бу ерда *for*(учун), *to*(гача), *do*(бажармоқ) - хизматчи сўзлари;

*k* - цикл параметри (ҳақиқий типли бўлиши мумкин эмас);

*k1* - цикл параметрининг бошланғич қиймати;

*k2* - цикл параметрининг охирги қиймати;

*S* - цикл танаси.

- Repeat тақрорлаш (цикл) оператори.

*repeat S1; S2; ... SN until B;*

бу ерда *repeat* (тақрорламоқ), *until* (гача) - хизматчи сўзлар;

*S1,S2,...,SN* лар эса цикл танасини ташкил этувчи операторлар;

*B* - циклдан чиқиш шарти (мантиқий ифода).

- While тақрорлаш (цикл) оператори

*while B do S;*

бу ерда *while* (хозир), *do* (бажармок) - хизматчи сўзлари;

*B* - циклдан чиқиши ифодаловчи мантиқий ифода;

*S* - циклнинг танасини ташкил этувчи оператор.

- Вариант танлаш оператори

<вариант танлаш оператори>:= case <оператор селектори>  
of <вариант рөйхатининг хадлари> end;

- Функциялар ва процедуралар

*Pos(Substr: string; S: string): Integer;*

Вазифаси: *Substr* сатри *S* сатридан изланади. Агарда изланган сатр топилмаса натижа нолга teng бўлади.

*Length(S: String):Integer;*

Вазифаси: *S* сатрли ўзгарувчидағи белгилар сонини аниқлайди.

*Copy(S; Index, Count: Integer): string;*

Вазифаси: *S* сатрли ўзгарувчидағи *Index* - белги *Count* та белгидан нусха олиш.

*Trim(S: String): String;*

Вазифаси: Сатрли ўзгарувчида бўш жойларни йўқотиш.

*Close;*

Вазифаси: Дастур ишини якунлаш (чиқиш).

*Exit;*

Вазифаси: Процедурадан чиқиш.

*CloseFile(Prn);*

Вазифаси: Файлни беркитиш.

## **2.3. Маълумотлар базасини яратиш. ACCESS**

ACCESS информация базасини бошқариш тизимида маълумотларни стандарт усул билан олиш имконияти амалга оширилган (ODBC – Open Database Connectivity). Ушбу имконият мос драйверлар орқали хилма хил форматлардаги информация массивлари билан ишлайдиган маълумот базалари билан иш олиб боришга қулай шароитлар яратади. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу МББСлари фақатгина хусусий компьютерлардаги МББС лар бўлиши шарт эмас, балки улар информация базалари серверлари ҳам бўла олади (масалан, Microsoft SQL Server, Oracle, Sybase) ODBS драйверларини ишлатиш Сизга маълумот базасига амалий дастурлардан (масалан Word ва Excel дан) кириш имкониятини ва Access Visual Basic номли маълумотлар базасини ишлаб чиқиши автоматлаштирадиган алгоритмик тилни қўллаш имкониятини беради. [17]

### **Жадваллар билан иш олиб бориш**

ACCESS информация базаси бир-бири боғлиқ бир қанча жадваллардан иборат бўлиб (реляцион жадваллар), уларда қандайдир турдаги, форматдаги ва кўринишдаги маълумотлар мажмуаси сақланади. Масаланинг бундай қўйилиши объектларни сақлаш, нусхалаш, йўқотиш ва бошқа операцияларнинг амалга оширилишини анча осонлаштиради.

ACCESS информация базасида қуйидаги турдаги маълумотларнинг турларини ишлатишингиз мумкин:

#### **2.1. Жадвал. ACCESS маълумотлар базаси функциялари тадбиқи.**

Счетчик number)	Жадвалга ҳар бир “Янги ёзув” қўшилиши билан автоматик равища биттага кўпаядиган сон. Бу майдон қийматини ўзгартириб бўлмайди.
Пул бирлиги (Currency)	Бу майдон пул бирликларини киритишга мўлжалланган.
Сана/Вақт	Бу майдонга вақт ёки сана ёки уларнинг

(Data/Time)	комбинацияси киритилиши мумкин.
Гиперматн (Hyperlink)	Ушбу майдон Web-саҳифалар, маълумотлар базалари обьекти ёки бошқа файлга ўтиш учун ишлатиладиган гиперматнлар адресларини ўз ичига олади.
Майдон Мастери (Lookup Wisard)	Бу турдаги майдонда “Майдон мастери” ишга тушади ва майдонга ёзиладиган катталикларга чегараланишлар қўяди.
MEMO (Memo)	Бу майдонда катталиги чегараланмаган матн бўлиши мумкин.
Майдони Сонли (Number)	Бу майдон исталган форматдаги сонли қийматларни ўз ичига олади.
OLE туридаги объект	Бирор бир бошқа амалий дастур томонидан ҳосил қилинган обьект (OLE – Object Linking and Embedding – масалан, жадвал ёки расм).
Матн (TEXT)	Бу майдон ўз ичига матнни олади (хат, чонлар ва бошқа символлар)
Мантиқий (Logec)	Икки хил қийматдан (Yes/No) бирингина қабул қила оладиган мантиқий қийматлар

Жадвалнинг ҳар бир майдони учун Сиз мумкин бўлган бирор-бир маълумотлар турини танлаб олишингиз керак. Ҳар бир майдонда фақатгина бир хил турдаги маълумотларгина сақланиши мумкин.

Ушбу жадвал конструктори дарчасида маълумотлар турини аниқлашдан ташқари қуидагиларни ҳам бажара оласиз:


- майдонни калитли ёки индексли сифатида аниқлаш;
- майдонда катталикнинг албатта киритилиши шарти;
- майдон форматини аниқлаш;
- майдонга бирор бир қўшимча ёзув киритиш (у формада акс этиб туради);
- бошқа бир қанча имкониятлар.

ACCESS информация базасидаги ҳамма операциялар жуда оддий ҳолда сичқонча туридаги манипулятор орқали осонгина бажарилади. Сичқонча билан бирор бир майдонни боссангиз, унинг ўнг чеккасида рўйхатни очишга имкон берадиган тутмача ҳосил бўлади. Сиз уни босиш билан рўйхатдан керакли имкониятини (Опцияни) танлаб оласиз.

Агарда жадвални ўзингиз тузишга қийналсангиз, бу ишда Сизга “Мастер”лар ёрдамга келади. Булар тегишли ишлар кетма-кетлигини осонгина амалга оширишга ёрдам беради.

### **«Мастер» ёрдамида ҳисобот тузиш**


Энди мавжуд жадваллардан фойдаланган ҳолда ҳисоботлар қандай тайёрланилиши кераклигини кўриб чиқамиз. Бунинг учун 3 – расмда кўрсатилган асосий ойнага ўтиб, «Отчеты» (ҳисоботлар) имкониятини танлаймиз ва қуидаги кўринишдаги сухбат ойнасига эга бўламиз:



#### **2.1. расм. Янги ҳисобот яратиш**


Юқоридага барча ишларда «Мастер» режимидан фойдаланганлигимиз учун бу ерда ҳам худди шу режимда ишлашни танлаб олдик, яъни «Создание отчета с помощью мастера» имкониятини танладик.

Агар уни экранда бир марта туртсақ, бироз вақтдан сўнг ҳисоботлар ташкил қилишнинг дастлабки диалог ойнаси «Создание отчетов» ҳосил бўлади:




## 2.2.расм. Жадвал ва сўровлар майдончаси

Бу ойнанинг асосий мақсади ҳисобот учун мавжуд жадваллардан тегишли майдонларни танлаб олишдир. Бунда бир қанча жадвалларни кўллаш ва сўровларни ташкил қилиш имконияти мавжуд. «Таблицы и запросы» майдонида керакли жадвал номи танланади, «Доступные поля» майдонида эса жадвалдаги устунлар номи танланиб, улар > тугмачаси орқали «Выбранные поля» майдонига ўtkазилади. Буни ишни қуйидаги дарчада кўрсатишмиз мумкин:[13,14]




## 2.3. расм. Танлаш учун майдонлар

Ушбу ишлар тугатилганидан сўнг, «Далее» тугмачаси босилиб, кейинги диалоги ойнада ишлашга ўтилади. Ушбу ҳолда қуйидаги диалог ойна ҳосил бўлади:



## 2.4.расм. Хисоботдаги гурухлаштириш

Ушбу ойнадан хисоботдаги гурухлаштириш қайси кўрсаткич ёки кўрсаткичлар асосида амалга оширилишини, ушбу кўрсаткичларнинг қайси бири биринчи, иккинчи ёки учинчи даражали бўлишини аниқлаб олишимиз мумкин. Бу ишлар > тугмача ва «Уровень» тугмачаларини босиш орқали амалга оширилади. Кўрилаётган мисолда Фаолият турини танлаб > стрелкали тугмани босдик ва бу билан бир даражали гурухлаштиришни танладик, яъни фаолият тури гурухлаштириш кўрсаткичи бўлди ҳамда натижада қуйидаги ойнани олдик:



## 2.5.расм. Маълумотлар базасини тузиш ойнаси

Бундан кейинги барча ишлар сухбатли ойналардаги кўрсатилган ишларни худди Запрос режими сингари бажариш ва «Далее» тугмачасини босиш орқали амалга оширилади. Ишимиз сўнгига «Готово» тугмачасини босиб, тегишли хисоботни экранда кўришимиз ва чоп қилишимиз ҳам

мумкин. Демак, энди Сиз маълумотлар базаси туза оласиз, унга маълумотлар киритиш учун шакллар, жадваллар мажмуасидан хилма-хил турдаги сўровлар ташкил қила оласиз ва жадвал кўринишидаги (реляцион маълумотлар базаси) маълумотлар мажмуаси асосида турфа хил кўринишдаги ҳисоботлар туза оласиз. Бу эса Сизга ишингизни янда унумдор ва қизиқарли қилишга имкон беради. Тажрибангизни яна ҳам ошириш мақсадида ва Access тизимси билан бевосита ишлаш малакасини орттириш учун гуруҳингизни, потокингизни ва факультетдаги талабаларнинг маълумот базасини компьютерда тузиб кўринг ҳамда у билан хилма – хил тажрибалар ўтказинг. Ишончимиз комилки, бу Сизга маълумотлар мажмуаси билан ишлашда катта ва қимматли амалий тажриба беради.

Access тизимсида кўзда тутилган макрос ва модуллар ёрдамида амалда қўллаш мумкин бўлган қулай ва фойдали амалий дастурлар яратиш мумкин. Access маълумотлар базалари билан ишлашнинг кейинги ва жуда фойдали имкониятларини тажрибангиз ошганидан сўнг тизимнинг контекст ёрдам ва Маълумотнома кенжা тизимларидан фойдаланган ҳолда bemalol ўзлаштириб олишингиз мумкин.

## **ACCESS маълумотлар базасини бошқариш тизимининг асосий элементлари**

Юқоридаги айтилганлардан келиб чиқкан ҳолда хulosha қилишимиз мумкини, ушбу амалий дастур реляцион турга мансуб бўлиб, у жадвал кўринишида ифодаланган маълумотлар мажмуаси билан ишлашга мўлжалланган. Масалан, мижозлар ва уларнинг талаблари ёзилган жадваллар орасида муайян бойликларни ҳосил қилиш ва уни бошқариш учун ишлатилиши мумкин. Бунинг натижасида биз бир-бирига боғлиқ бўлган маълумотлар тўплами билан осонгина ишлаш имкониятига эга бўламиз.

Пуск (Start) тугмачаси орқали «Программы» (Programs) бўлимиidan Microsoft Access, белгисини танлаган ҳолда ушбу дастурни ишга туширсак,

бир қанча имкониятлардан бирини танлашимиз мүмкін бўлади. Улар қуидагилардир:

- янги маълумотлар базасини ташкил қилиш;
- маълумотларни Internet Explorer ёрдамида кўриб чиқиш учун маълумотлар кўриш саҳифасини ҳосил қилиш;
- Access лойиҳаси ҳосил қилиш;
- олдиндан тузиб қуйилган маълумотлар базасини ёки лойиҳани очиш.

Access лойиҳаси маълумотлар базасига ўхшаш бўлади, лекин унда маълумотлар билан тўлдирилган жадваллар бўлмайди ва у маҳсус Microsoft SQL Server билан боғланган бўлиб, барча керакли жадваллар ўш ерда сақланади. Ундан фойдаланган ҳолда фойдаланувчи лойиҳалаларга ўхшаш маълумотлар базаларини тузиш ва уларни бошқариш имкониятини олиш мумкин.

Маълумотлар базасининг асосини унда сақланувчи маълумотлар ташкил қиласи ва улар объектлар орқали бошқарилади. Объектларнинг асосий турлари қуидагилар:

Жадваллар (Таблицы) – маълумотларни сақлаш учун хизмат қиласи;

Талаблар (Запросы) – маълумотларни танлаш шартларини беришни уларга ўзгаришлар киритиш учун хизмат қиласи;

Шакллар (Формы) – маълумотларни кўриш ва таҳрир қилиш учун хизмат қиласи;

Саҳифалар (Страницы) – HTML (гиперматн) шаклтидаги файллар, улар Access маълумотларини Internet Explorer браузери ёрдамида кўриш учун фойдаланилади;

Хисоботлар (Отчеты) – маълумотларни умумлаштириш ва чоп қилиш имконини беради;

Макрослар – бир ёки бир қанча операцияларни автоматик равишда бажаради.

Access маълумотлар базасига киритилган ҳар қандай маълумот жадвалларда сақланади. Жадвалларнинг қаторлари ёзувлар деб, устунлари эса майдонлар деб аталади.

Сўровлар жадваллардан маълумотларни бир ёки бир неча критерийлар (кўрсатгичлар) асосида танлаб олиш учун ишлатилади. Жадваллар сони ҳам бир ёки бир нечта бўлиши мумкин. Масалан, сўровлардан фойдаланган ҳолда қуидаги саволларга жавоб олиш мумкин:

- Охирги кварталда ҳар бир маҳсулотдан қанчадан сотилди?
- Охирги ойда қанча янги мижозлар мурожаат қилди?
- Қайси корхонадан қанча маҳсулот келди?

Мисол учун агар жадвалнинг Номлар ёзилган устунидан фойдаланган ҳолда ундаги Акром Алимовга тегишли барча ёзувларни ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун Номлар устунининг «Условия отбор» (Танлаш шартлари) деб номланган қаторига Акром Алимов деб ёзиш керак бўлади.

Сўровлар конструкторининг имкониятлари фақатгина танловни амалга ошириш билан чегараланмайди. У орқали қуидаги сўровларни ҳам амалга ошириш мумкин:

«Перекрестный запрос» (хилма – хил жадваллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган сўров) – у орқали маълумотларни умумлаштириш мумкин бўлади. Масалан, олдинги кварталда ҳар ойда ҳар бир маҳсулот бўйича сотув ҳажми қанча бўлишини аниқлашимиз мумкин.

«Запрос на создание таблицы» (Жадвал ҳосил қилиш учун сўров) – бунда сўров натижасида ҳосил бўлган натижалар янги жадвалга жойлашади.

«Запрос на обновление» (Янгиланиш сўрови) – бундай сўровлар воситасида жадвалдаги ёзув гурухларига ўзgartiriшлар киритиш, маълумотларни таҳтир қилиш ёки бир жадвалдаги маълумотларни бошқа жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўзgartiriш мумкин.

«Запрос на добавление» (қўшиш мақсадидаги сўров) – бундай сўровлар бир жадвалдаги маълумотларни бошқасига қўшишга имкон беради.

«Запрос на удаление» (Йўқотиш учун сўров) – бундай сўров жадвалдан ёзувлар гурухини йўқотиш учун хизмат қиласди.

Шакллар жадвалдаги маълумотларни кўришни осонлаштириш ёки жадвалга маълумотлар киритиш учун ишлатилади. Бунда жадвалдаги ёзувнинг барча майдонлари шаклда кўриниб туради. Шунинг учун ҳам маълумотларни таҳрир қилиш анча осонлашади. Шакллар ҳам тегишли ёрдамида дастур – мастерлар ёрдамда ҳосил қилиниши мумкин (Мастер форм ёки Form Wizard).

Агарда шаклни тезлик билан ҳосил қилиш талаб қилинса, у ҳолда Автошакл мастеридан фойдаланиш мумкин. Бунда шакл тури танлаб олинади холос. Бир неча жадваллар асосида ҳам шакллар ташкил қилиш мумкин.

Саҳифалар (Страницы) – улар алоҳида ҳолда сақланадиган HTML (гиперматн) шаклтидаги файллар бўлиб, Access маълумотларини Internet Explorer браузери ёрдамида кўриш учун ишлатилади.

Хисоботлар (Отчеты) - маълумотларни кўриш ва чоп қилиш учун ишлатилиб, қуйидаги имкониятларни яратиб бериши мумкин:

Хисоботлар мастери (Мастер отчетов – Report Wizard) – хисоботни босқичма-босқич тайёрлашга ва чоп қилишга имкон беради.

Автоҳисобот (Автоотчет - AutoReport) – маълумотлар базаси дастурида олдиндан мавжуд бўлган тасмали ёки устунли кўринишдаги хисоботлар тайёрлашга имкон беради.

### **III. ДАСТУРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ**

#### **3.1. Кириш-чиқиши маълумотлари**

Дастур учун қуийдаги маълумотлар чиқиши маълумотлари ҳисобланади.

- обьектлар түлиқ номлари, типлари, ўлчами, обьектларни охирги ўзгаришлари саналади
- диск түлиқ хажми ва ундағи бўш жойлар
- компьютерга уланган диск жамламасидаги рўйхати
- обьектни, атрибутлар ўзгартирилгандаги охирги ўзгартиришлари сана ва атрибутлари
- файллар қидириш натижалари
- каталоглар дарахти
- синхронлаштиришда тартибланган файл рўйхати
- дастур жорий санаси
- файллар сони
- тугмалар холати
- дастур ишлагандаги хато, хабар ва маълумотлар

#### **3.2. Дастурни ишлатиш учун аппарат таъминотига қўйиладиган талаблар**

Курилмага қўйиладиган талаблар.

- 233 мГц ёки ундан юқори такт частотали Pentium процессори
- Windows оиласига мансуб операцион тизим
- 8 мб оператив хотира, (камид) 16 мб тавсия этилади.
- қаттиқ дискдаги бўш жой – 2мб
- 8000x400 ёки удан юқориимкониятли, 256 рангли SVGA монитори
- дастурни инсталляция қилиш учун компакт диск дисководи
- сичқонча
- клавиатура

- дастур “такслаш” ва очиш учун “WinRAR” дастури.

### **3.3. Тизимдан фойдаланишда хавсизлик параметрларини қўллаш**

Компьютер ресурсларидан фойдаланишдан аввал хар бир фойдаланувчи компьютер тизимининг идентификация ва аутентификация жараёнидан ўтиши лозим.

Идентификация – фойдаланувчини унинг идентификатори бўйича аниклаш жараёни.

Аутентификация – фойдаланувчи, жараён ва қурилманинг хақиқий эканлигини текшириш муолажасидир.

Битирув – малакавий ишида, яратилган тизимни пароллар билан химоялаш учун белгиланган талабларни, яъни идентификация ва аутентификация параметрларига қўйиладиган қўйидаги талабларни текшириш механизми ишлаб чиқилди.

Шахсий пароллар ахборот тизими фойдаланувчиси томонидан мустакил тарзда танланади, аммо танлашда қўйидаги талабларга риоя қилиш шартдир:

- 1) парол узунлиги – 8 дан 12 тагача символлар;
- 2) паролни янгисига алмаштиришда янги парол қиймати олдингисидан камига 6 та позицияга фарқ қилиши зарур;
- 3) юқоридаги талаблар администрлаш тизими томонидан автоматик тарзда текширилиши ва шартлар бажарилмаса, парол тизим томонидан қабул қилинмаслиги ва сақланмаслиги керак;
- 4) парол ўз ичига символларни (номи, фамилия, туғилган йили, ва х.к.) осон комбинацияларини олмаслиги керак (м-н, ЭВМ, USER, ЛВС ва х.к.лар), шу билан бирга умумий қисқартмаларни ўз ичига олмаслиги керак.

5) парол символлари сифатида, юқори ва қүйи индекс символлари, рақамлар ва маҳсус символлар, #, \$, % ва х.к.ларни ишлатиш тавсия этилди.

Иккинчидан, паролни ихтиёрий вақтда тўсатдан ўзгартириш фойдаланувчи томонидан ўзгартирилиш имкони кўзда тутилиши керак.

Бунинг учун мос режим ҳар бир дастур комплекси учун кўзда тутилиши керак.

Учинчидан, ҳар иш куни охирида администрлаш тизими, фойдаланувчилар ўртасида уларнинг мурожаат хуқуqlари ваколат тақсимлаш ҳақидаги ўз маълумотини янгилаши имконига эга бўлиши зарур.

Тўртинчидан, фойдаланувчи уч марта авторлашдан ўтмаса (нотўғри парол, яъни айни лотинча мос келмайдиган паролни кўрсатиш) администрлаш тизими томонидан фойдаланувчи фаолияти блокировка қилинади.


Блокировкани олиб ташлаш учун буюртма бериш керак.

Юқорида кўрсатилган фаолиятни олиб бориш учун, ишлаб чиқилган тизим ихтиёрий ҳисоблаш тармоқларида хавфсизликни таъминлаш учун ишлатиш имкониятига эга бўлиши керак.


### **3.4. Фойдаланувчига қўлланма**

Дастур учун иккита маълумотлар базаси ишлатилган улар: **Wоркер** ва **Прейссурант**.

Бу базаларнинг ичидаги жадвалларни тахлил қиласиган бўлсак



### 3.1. расм. Дастур маъумотлар базасини танлаш ойнаси



### 3.2. расм. Дастур маъумотлар базасида бўлимни танлаш ойнаси

Умумий кўришлари юқоридаги кўрсатилган. Яна бир абзалиги Прейссурант маъумотлар базасини ишлатиш учун **ALL Service** жадвалидан бошқа ихтиёрий жадвалдан нусха структураси бўйича нусха олинади, ва **ALL Service** бандига бу Номи тўлиқлигича, аниқ киритиб қўйилади шунда дастур автомат равища янги ҳизматни ўзида акс эттириши мумкин. **Worker** маъумотлар базасида эса Бўлимлар, докторлар, касаллар, ҳисоб китоб жадваллари мавжуд. Булар мос равища дастур билан боғланган.

		AllService	Info	Doctor
▶	1	Жаррохлик операциялари	7 Шахар клиник касалхонасидаги жаррохлик операциялари на	Булим мудири#Ш.З.Гулымназаров
	2	КТБ-жаррохлик аралашуви	7 Шахар клиник касалхонасидаги КТБ-жаррохлик аралашуви	Булим мудири# С.С. Сахмедов
	3	Лаборатория текширувлари	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик курсатиладиг:	Булим мудири#М.Х.Мухамедкулова
	4	Наркоз	7 Шахар клиник касалхонасидаги жаррохлик операциялари на	Булим мудири#Ш.З.Гулымназаров
	5	Нейрофизиологик текширув	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик нейрофизиол:	Врач-нейрофизиолог#А.Р.Жумашев
	6	Рентгенография	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик рентген текши	Булим мудири#С.Д.Аристонов
	7	Рентгеноскопия	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик рентген текши	Булим мудири#С.Д.Аристонов
	8	Стоматологик операциялар	7 Шахар клиник касалхонасидаги стоматологик операциялар на	Булим мудири#К.Р.Мухаммадиев
	9	Тиббий маслаҳат	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик тиббий масла:	#
	10	Травматологик операциялар	7 Шахар клиник касалхонасидаги травматологик операциялар	Врач-травматолог#Ш.Нишанов
	11	Ультратовуш текшируви	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик ультратовуш	Булим мудири#Д.А.Гулляммахмудова
	12	Физиотерапевтик даволаш	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик физиотерапев	Булим мудири#Д.А.Гулляммахмудова
	13	ЭКГ	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик ЭКГ текшируе	Врач ЭКГ#Ф. Артикова
	14	Эндоскопия	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик эндоскопия те	Врач эндоскопист#Холматов Р.
	15	Дори	7 Шахар клиник касалхонасидаги бир марталик эндоскопия те	Врач эндоскопист#Холматов Р.
*				

### 3.3. расм. Дастур маъумотлар базасида бўлимни танлаш ойнаси

УэШифо										
Файл База Прейскурант Ёрдан										
И<<	<<	>>	>>I	+	-	Бенорлар рўйхати				
Nº	Фамилия	Исм	Шариф	Манзил	Картонка №	Булим	Шифор			
1	reverteit	erterter	ertert		123123	Lor	Ramilov Sharif Qodirovich			
2	qwe	qweqwe	qweqwe		12	Terapiya	Ismailov saumar Kadirovich			
3	asdas	asdard	asdas		2	Terapiya	Salmov Nodir Karimovich			
4	sdfsdf	sdfsdf	sdfsdf		32423	Nevralgiya	Ismailov saumar Kadirovich			
6	qweqw	qwe	123		123	Terapiya	Ismailov saumar Kadirovich			
7	asdas	asda	asdad		1	Terapiya	Ismailov saumar Kadirovich			

### 3.4. расм. Дастурнинг умумий кўриниши

Юқорида ҳамма дастурларда мавжуд бўлган бандлар бор.

Улар:

**Файл** – дастурдан чиқиши бўлими мавжуд.

**База** – Бу бандада маъумотлар базаси билан ишлайдиган буйруқлар жамланган

**Прейскурант** – Бу бандада пуллик хизматлар, жадвал кўринишида акс эттириши мумкин.

**Ёрдам** – Дастурни ишлаши ҳақида қисқача тушинтириб беради.

Куйида кўрсатилган расмда маълумотлар базаси билан ишлашни осонлаштирадиган қисқа тугмалар қўйилган. Улар база бўйлаб ҳаракат, базага маълумот қўшиш, ва базадан маълумот ўчиришни таъминлаб беради.



### **3.5. расм. Дастур базаси маълумотларни бошқариш тугмалари**

Агар қўшиш тугмасини боссак, куйидаги қўшимча диалог ойна очилади. Бу йердан керакли маълумотлар киритлгандан сўнг асосий ойнанинг марказида шу bemor акс этади ва унга кўрсатиладиган хизматларни киритиш мумкин.

### **3.6.расм. Янги мижоз маълумотларини қўшиш анкетаси**

Асосий ойнада марказида эса ҳозиргача рўйхатдан ўтган мижозлар асосий маълумотлари туради.

Nº	Фамилия	Исм	Шариф	Манзил	Карточка №	Булим	Шифокор
1	erterter	erter	erter		123123	Lor	Ramiboy Sharif Qodirovich
2	wqeque	qweqw	qweqw		12	Terapiya	Ismailov saimur Kadirovich
3	asdas	asdas	asdas		2	Terapiya	Salmov Nodir Karimovich
4	sdfsd	sdfsd	sdfsd		32423	Nevalgiya	Ismailov saimur Kadirovich
6	qweqw	123	123		123	Terapiya	Ismailov saimur Kadirovich
7	asdas	asdads	asd		1	Terapiya	Ismailov saimur Kadirovich

### **3.7.расм. Мижозлар маълумотларини рўйхати**

Тулук мәлумот

Наряд	Шартнома																									
<b>7-Сон тахар клиник шифоноаси</b>																										
<b>Бемор хакида мәлумоттар</b>																										
Беморниң ФИО: <u>Жане Назарбеков</u> Касалык тарихи: 12 Беморнің манзили: <u>Астана</u> Наряд №:																										
<b>Пуллик тиббий хизматтар</b>																										
<table border="1"> <thead> <tr> <th>Хизмат түри</th> <th>Сони</th> <th>Нархи</th> <th>Суммасы</th> <th>Илова</th> </tr> </thead> <tbody> <tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td></tr> </tbody> </table>		Хизмат түри	Сони	Нархи	Суммасы	Илова																				
Хизмат түри	Сони	Нархи	Суммасы	Илова																						
<b>Хисоб-китоблар</b>																										
<table border="1"> <thead> <tr> <th>Олинди</th> <th>Сана</th> <th>Док. №</th> <th>Сума</th> <th>Медрегистратор</th> </tr> </thead> <tbody> <tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td></tr> </tbody> </table> <p>Жами:</p>		Олинди	Сана	Док. №	Сума	Медрегистратор																				
Олинди	Сана	Док. №	Сума	Медрегистратор																						
<input type="button" value="Хисобот"/> <input type="button" value="OK"/>																										

Дастурда ишлаш жараёни жуда содда ва қулай қилингандар. Ҳар бир bemorning шахсий варақасини күриш мүмкін. Бунинг учун bemor жойлашган жадвалга чап тугма икки марта босиши орқали амалга оширилади. Ундан сўнг қуйидаги янги ойна ҳосил бўлади.

### 3.8.расм. Мижоз хисоб шартномаси.

Бу йерда bemor билан тузилган шартнома, ҳаражатлар, bemorga кўрсатилган хизматлар, (пуллик

хизматлар ҳам кириб кетади), Ҳисоб – китоблар тўлиқлигича кўрсатиш мүмкін. Яна бир эътиборли томони бу йерда Ҳисобот тугмаси мавжуд, бу тугма вазифа **Мисрософт Word** дастурида худди тўлиқ маълумот саҳифасини синхронлашган ҳолда акс эттиради. Бундан асосий мақсад шартномани ҳужжат орқали амалга оширишdir. Агар bemor янги қўшилиб, маълум бир ташхиз қўйилгандан сўнг унга керакли дори – дармон, хизматлар, анализ ларни белгилаш мүмкін. Бунинг учун bemor номи устига икки марта босиб, очилган ойнада шартнома бандига ўтиш керак ва Ҳаражатлар рўйхати да жадвал устида сичқонча ўнг тугмаси босиб керакли хизмат танланади ва у хизмат автомат равишда преиссурант маълумотлар базасидан қолган қисмларини қўшади. Қуйидаги расмда юкорида айтилганларни кўришимиз мүмкін.

Тулик маълумот

Наряд	Шартнома
-------	----------

**ХИСОБ ШАРТНОМА №: 1117**

**Бемор хакида маълумотлар**

Беморнинг ФИО:	Turdiev Aziz Bakhtiyorovich
Текширик/даволаш учун:	
Буллих:	Kardiologiya
Доктор:	Pavlov Oleg Ivanovich
Ташхиз:	Yelgil Shamollash

**Тулов майдори**

Даволаш учун:	15000
Операция учун:	0
Овқат учун:	5000
Хизмат учун:	500
Дори-дармон воситалари учун:	0
Жами сума:	20500

**Харажатлар рўйхати**

№	Текшириклар,доридармонлар	Вакти/сони	Майдори	Нархи	Чумумий нархи
1	Э.К.Г.	25 мин	5400	5400	
2	Э.К.Г. нагрузочная [медикаментозная]	30 мин	6100	6100	
3	Артритомия	40 мин	11700	11700	
4	Тримоль	1 сим	200	200	
5	Интибацийонный наркоз 1 час	60 мин	16500	16500	

Буллих шифро:

Даволочни шифро:

Экономист/хисобчи:

Бемор:

Хисобот OK

Тулик маълумот

Наряд	Шартнома
-------	----------

**ХИСОБ ШАРТНОМА №: 1117**

**Бемор хакида маълумотлар**

Беморнинг ФИО:	Turdiev Aziz Bakhtiyorovich
Текширик/даволаш учун:	
Буллих:	Kardiologiya
Доктор:	Pavlov Oleg Ivanovich
Ташхиз:	Yelgil Shamollash

**Тулов майдори**

Даволаш учун:	15000
Операция учун:	0
Овқат учун:	5000
Хизмат учун:	500
Дори-дармон воситалари учун:	0
Жами сума:	20500

**Харажатлар рўйхати**

№	Текширивлар,доридармонлар	Вакти/сони	Майдори	Нархи	Чумумий нархи
1	Э.К.Г.	25 мин	5400	5400	
2	Э.К.Г. нагрузочная [медикаментозная]	30 мин	6100	6100	
3	Артритомия	40 мин	11700	11700	
4	Тримоль	1 сим	200	200	
5	Интибацийонный наркоз 1 час	60 мин	16500	16500	

Буллих шифро:

Даволочни шифро:

Экономист/хисобчи:

Бемор:

Хисобот OK

### 3.9. расм. Мижоз хисоб шартномасининг якуний хисоботи

Ушбу бўлимда БМИ масаласи қўйилди Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш инструментал ва дастурий воситалари танланди ва уларни ишлатишнинг оптимал усуллар қўрсатилди. Шунингдек 7 шахар шифохонаси мисолида дастурий ишлаб чиқилди.

## **IV. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ**

### **4.1. Асосий тушунчалар**

Фан-техника тараққиёти инсоннинг меҳнат фаолиятида талай қулайликларни яратиш билан бирга инсон ҳаёти учун заарли бўлган баъзи бир омилларни келиб чиқишига ҳам олиб келди. Саноатда электр қувватидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда ҳар қандай электр қурилма электр токи билан ишлайди. Шу сабабли электр токи таъсирида рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ходисалар ва улардан сақланиш муҳим масалалар қаторига киради. Электр токининг энг хавфли томони шундаки, бу хавфи олдинроқ сезиш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам электр токи хавфига қарши ташкилий ва техник чора тадбирларни белгилаш, тўсиқ воситалари билан таъминлаш, шахсий ва жамоа тизимларини ўрнатиш ниҳоятда муҳим.

Умуман, электр токи таъсири фақат биологик таъсири билан чегараланиб қолмасдан, балки электр ёйи, магнит майдони ҳамда статик электр таъсиrlар ҳам бўлиб, буларни билиш ҳар бир киши учун керакли ва зарурий маълумотлар жумласига киради. Ҳозирги вақтда радио ва электрон қурилмаларнинг рвдиотелеметрия, радионавигация ва бошқа электромагнит тебранишларга асосланган аппаратларнинг кенг қўлланиши, кўпчилик кишиларнинг радиоаппаратлар, уяли телефонлар ва компьютерлардан фойдаланиши электромагнит тебраниш тўлқинларидан муҳофазаланиш чоратадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Омиллар:

1. Маниторнинг электромагнит нурланишлари.
2. Экранда статик электр разряднинг ҳосил бўлиши.
3. Улътрабинафша нурланишлар.
4. Инфрақизил нурланишлар.
5. Рентген нурлари.
6. Ёруғлик тасвирининг ёрқинлиги.
7. Ёруғлик оқимиининг липпиллаш даражаси.

8. Кўриш майдонида ёрқинликнинг нотекис тақсимланганлиги.
9. Тўғридан-тўғри ялтираш даражасининг юқорилиги.
10. Ёритилганлик даражасининг юқори ёки пастлиги.
11. Ҳаводаги чанг заррачалари.
12. Ҳавонинг ионланиши даражасининг ўзгариши.
13. Ҳаво намлигининг ўзгариши.
14. Иш зонасида ҳаво оқимининг ўзгариши.

Кимё омиллар: Ҳаво таркибидаги: углеродлар оксид, озон, аммиак, формальдегид, полихлорли бифенилларнинг ҳосил бўлиши.

Психофизиологик ва микробиологик омиллар:

1. Диққат ва кўришининг зўриқиши.
2. Зукколик ва ҳиссиётнинг зўриқиши.
3. Узоқ давом этувчи мувозанатли зўриқиш.
4. Иш жараёнининг бир хиллиги.
5. Вақт бирлигига ишлаб чиқиладиган ахборот хажмининг қўплиги.
6. Иш жойларининг нотўғри ташкил қилиниши.
7. Ҳаводаги микроорганизмлар миқдорининг юқорилиги.

#### **4.2 . Мехнат фаолияти шароитининг класификацияси**

Сўнгти 10 йилликда мамлакатнинг хўжалик юритиш комплексида катта ўзгаришлар содир бўлди, янги меҳнат фаолиятлари пайдо бўлди. Бундай ташқари бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳоти норентабел ёки заарар билан ишловчи корхоналарни қисқаришига ёки бутунлай ёпилишига олиб келди. Янги, турли мулк шаклидаги корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил топмоқда. Уларнинг иқтисодий аҳволи ҳам турличадир. Шу сабабли уларнинг барчасида ҳам ишчиларга нормал фаолият кўрсатиши учун меҳнат муҳофазаси қонунларига мос иш жойлари яратиб берилган дейиш қийин. Меҳнат фаолияти шароити қуйидагича класификацияланади:

- 1) қулай;

2) унча катта бўлмаган ҳажмдаги ишлаб чиқариш заарлари кўринишидаги қисман мураккабликлар билан;

3) мураккаб-ишлаб чиқаришдаги заарларнинг ўртача ҳажми билан;

4) ўта мураккаб ишлаб чиқариш заарларининг абсолют максимал ҳажми билан.

### **Мехнат фаолиятини оғирлиги ва кучланганлигини баҳолаш**

Маълумки жисмоний меҳнат қўлланиладиган меҳнат фаолияти кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарига алоқадор бўлиб, айниқса меҳнат жараёнларида кам механизациялашган, кам автоматлаштирилганларга тааллуқлидир. Жисмоний меҳнат қўлланиладиган меҳнат фаолиятларини баҳолашнинг қуидаги кўринишлари мавжуд:

1) енгил жисмоний меҳнат (оғир юк кўтартмайдиган) ишчиларни 2000 дан 2500 ккал гача энергия сарфлашини характерлайди (озик-овқат, енгил саноат, иқтисоднинг электроника соҳаларидағи конвейер тармоқларидағи ишлар);

2) 25 кг гача юк кўтариш билан давом этадиган ва 2500 дан 3000 ккал гача энергия сарфланадиган ўртача оғирликдаги жисмоний меҳнат (кичик оғирликдаги ва кичик ўлчамдаги электротехник, машинасозлик деталлари чиқариладиган металлларга ишлов бериш ишлаб чиқариши);

3) ҳар замонда 25 кг дан ортиқ юкни кўтаришига тўғри келадиган, бир қатор заарлар мавжуд бўлган оғир жисмоний меҳнат (шовқин, титрашлар, чанглар, химиявий ва токсик моддалар, ишчи зонадаги ҳавонинг юқори нисбий намлиги, юқори ҳарорат ва шу кабилар);

4) Ишчи кун давомида кўп бора 15 кг дан ортиқ юкни кўтаришга тўғри келадиган ва ишчи организмидан 6000 ккал ва ундан ортиқ энергия сарф бўлишига олиб келадиган жуда оғир жисмоний меҳнат.

